



100015 г. Ташкент, М. Удугбекский район, ул. Саёхат, туп., дом 2. тел: +99893-570-19-50, +99898-570-19-50. Email: greatfours@mail.ru
р/с 20208000305476519001 АКБ Хамкорбанк Авиастроительный филиал, МФО 00083. ИНН 309177255.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«O’ZBEKISTON PAXTA TOZALASH» АЖ (СТИР: 200444011)
*Toshkent viloyati, Yuqorichirchiq tumani, Istiqlol QFY,
Navro’z mahallasi.*

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса.

Фикр.

Биз «O’ZBEKISTON PAXTA TOZALASH» аксиядорлик жамиятининг тақдим қилган хужжатларига асосан 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган “Бухгалтерия баланси - Ф1” ҳисоботи кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Молиявий натижалар – Ф2” тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «O’ZBEKISTON PAXTA TOZALASH» аксиядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий ҳолатини ва молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари(АХС) га мувоқиф аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро аҳлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун аҳлоқ Кодекси” талабларига ва аҳлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қонун хужжатларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари.

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамидан келиб чиқсан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёргарланлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлик бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа холатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хуносасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори дарајаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал мулоҳаза юритамиш ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз куйидагиларни бажарамиз:

- ✓ фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасдан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- ✓ корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиши мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- ✓ қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ходисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хуласа қиласиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хуласага келсак, аудит ҳисботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хуласамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ходисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ходисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида мулоқот қиласиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустакиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустакиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисботимизда ёритамиз.

МЧЖ шаклидаги «GREAT FOURS»
Аудиторлик ташкилоти раҳбари:



Л.А.Мадрахимов

Ташкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Саёҳат берк кучаси, 2 уй.

18 май 2023 йил